


## VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** 2018 йилнинг январь–сентябрида барча турдаги транспортлар томонидан 53,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–сентябрьига нисбатан 100,2 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 2166,8 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь–сентябрьига нисбатан 120,2 фоизга ўсади.

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь–сентябрь	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юклар, млн. тн.</b>	<b>53,1</b>	<b>100,2</b>
темир йўл транспортида	5,0	100,4
автомобиль транспортида	48,1	100,1
ҳаво транспортида, минг тн.	0,04	98,0
<b>Юк айланмаси,млн.тн–км</b>	<b>2166,8</b>	<b>120,2</b>
темир йўл транспортининг	1229,2	143,3
автомобиль транспортининг	937,6	99,3

### Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (юк ташишининг умумий ҳажсига нисбатан фоизда)



**Магистрал темир йўл транспортида  
асосий турдаги юкларни ташиш  
(2018 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)**

	минг тонна	ўсиши суръати, фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>5034,9</b>	<b>100,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
нефть юклари	1116,7	130,0
қора метал темир–терсаклари	107,6	121,0
кимёвий ва минерал ўғитлар	502,3	110,0
қурилиш юклари	66,5	63,0
цемент	142,7	70,7
пахта–толаси	0,5	3,2
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	158,6	86,3
бошқа юклар	2940,0	94,7


Автомобиль транспортида 48,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 0,1 фоизга купдир. Юк айланмаси 0,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилиб, 0,7 фоизга камдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги юк айланмаси 2017 йил январь–сентябрига нисбатан 6,6 фоизга кўпайди ва 0,9 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги юк ташувчиларнинг улуши 41,7 фоизни (2017 йилнинг январь–сентябрида 47,1 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 0,049 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 2,0 фоизга камдир.

**Йўловчи ташиш.** Барча транспорт турларида ташилган йўловчилар сони 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 2,6 фоизга кўпайди ва 488,5 млн. кишига етди. Йўловчи ташиш айланмаси 3,0 фоизга кўпайиб, 10,8 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

**Йўловчи ташишнининг  
ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати  
(фоиз ҳисобида)**



**Транспорт турлари бўйича  
йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**


	2018 йил январь– сентябрь	жамига нисбатан, фоиз ҳисобида	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>488,5</b>	<b>100,0</b>	<b>102,6</b>
темир йўл транспортида	1,64	0,3	107,6
автомобиль транспортида	486,8	99,7	102,6
хаво транспортида	0,06	0,01	112,0
<b>Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км</b>	<b>10789,2</b>	<b>100,0</b>	<b>103,0</b>
темир йўл транспортининг	198,4	1,7	110,9

	<i>2018 йил январь– сентябрь</i>	<i>жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
автомобиль транспортининг	10590,8	98,3	102,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш хаво транспортига тўғри келиб, у 112,0 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 7,6 фоизга купайиб, 1,64 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 110,9 фоизга ошди ва 198,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

### **Йўловчи ташиш** *(2018 йил январь-сентябрда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда)*



Хаво транспорти орқали 54,5 мингта йўловчи жўнатилиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 112,0 фоизни ташкил этди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортидаги йуловчи айланмаси 2017 йил январь–сентябрига нисбатан 3,1 фоизга кўпайди ва 10,1 млрд. йул-км.ни ташкил қилди. Автомобиль транспорти йуловчи айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги йуловчи ташувчиларнинг улуси 94,2 фоизни (2017 йилнинг январь–сентябрида 94,1 фоизни) ташкил этди.